

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/03/30.12.2021/SS/TAR.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ГЎЗАЛ ШУҲРАТ ҚИЗИ

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИДА
ИСЛОМ ОМИЛИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 297+322 (620)

КБК: 66.2

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по политическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Political Sciences**

Кадирова Гўзал Шухрат кизи

Миср Араб Республикаси ташқи сиёсатида ислом омили..... 3

Кадирова Гузаль Шухрат кизи

Исламский фактор во внешней политике Арабской Республики
Египет 21

Kadirova Guzal Shukhrat qizi

Islamic Factor in the Foreign Policy of the Arab Republic of Egypt 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/03/30.12.2021/SS/TAR.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ГЎЗАЛ ШУХРАТ ҚИЗИ

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИДА
ИСЛОМ ОМИЛИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ss225 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джумаев Рустам Зиятович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муҳаммадсидиков Муҳаммадолим Муҳаммадросиқ ўғли
сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Нодир Абдулхаевич
сиёсий фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD/03/30.12.2021/SS/Tag.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (+99871) 233-45-21; факс: (+99871) 233-52-24; e-mail: info@www.tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (+99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кuni тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д. Б. Сайфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, доцент

О. И. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Э. С. Султонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугун ислом динининг инсоният цивилизациясига, давлат ва жамият муносабатларига, ижтимоий-сиёсий жараёнларга, давлатларнинг ташқи сиёсат йўналишлари шаклланишига таъсири, давлат билан ўзаро алоқаси, давлатлараро ва халқаро муносабатларда ислом омилининг аҳамияти масалалари сезиларли ўрин эгаллаб келмоқда. «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади»¹. Диннинг сиёсийлашуви ва бунинг сиёсий тизимга таъсири ҳамда диннинг жамиятдаги ўрни кучайиши ислом омили, дин ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари тадқиқотининг долзарблигини оширди.

Бугун дунёда ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида давлатлар ташқи сиёсатида дин омили, давлат ва дин муносабатларининг ривожланиш тенденциялари, ислом дини омилининг давлат тузуми ва бошқарувига таъсири каби масалаларни таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Уларда ижтимоий-сиёсий жарёнлар ва ташқи сиёсатга ислом дини таъсирининг турли жиҳатлари, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига таъсирига хос хусусиятлар, жамият ҳаёти ва ривожланишида исломнинг ўрни, араб давлатларининг барқарор ривожланиши, жамиятни демократлаштириш ва сиёсий модернизация жараёнларида ислом омили билан боғлиқ жиҳатлар, давлат ва дин муносабатларини тартибга солишнинг илмий асосларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ тинчлик ва барқарорликни таъминлаш асоси сифатида диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат олиб бориб, мамлакатда ислом дини билан бир қаторда бошқа диний конфессияларнинг ҳам эркин фаолият кўрсатишини кафолатлади. «Мамлакатимизда диний эркинлик борасида вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир»². Шундан келиб чиққан ҳолда, бу борада хорижий давлатлар, хусусан, инсоният цивилизацияси марказларидан бири бўлмиш Миср Араб Республикаси ташқи ва ички сиёсатида ислом дини омилини тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – URL: <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekistonprezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи. – URL: <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-bmt-bosh-assambleyasi-75-sessiyasi>.

тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ги ПҚ-4680-сон қарорининг 13-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги «Ўзбекистон Халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 466-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 572-сон қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миср ташқи сиёсатида ислом омилини тадқиқ этишга бир қанча материаллар бағишланган. Ўрганиб чиқилган илмий адабиётларни бир неча гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчи гуруҳга Ғарб, Яқин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари тадқиқотчиларининг ишлари киритилган. Б. Бузан, У. Вейвер, Г. Моргентау, Ж. Най, К. Уолц, С. Хантингтон, Ф. Хоффман каби мутахассисларнинг илмий ишларидан тадқиқотнинг назарий қисмида фойдаланилган.

М. Афзал, А. К. Муштак, И. Идрис, Ж. Мутхукумар, Е. Стейн, Ж. Фаҳми, Ж. Шарп, Д. Шенкер, А. Эрин каби таниқли олимларнинг илмий ишлари «Араб баҳори»ни таҳлил қилишга бағишланган.

Замонавий Миср ташқи сиёсати ва мамлакатдаги вазиятнинг хусусиятларини Б. Абдаллах, Х. Абуғабал, К. Аль-Анани, Л. Ардовини, А. Ариан, Х. Ахмадиан, Б. Боукер, Х. Дарвишех, Ж. Дентис, М. Мейер-Ресенде, А. Мелканжи, А. Меринголо, М. Носсер, Б. Пиатца, Ж. Поуштер, Р. Приевассер, Ж. Хаддад, А. Эль-Адави, А. Эль-Хадиди, Б. Ҳасан каби экспертлар кўриб чиқишган.

Мисрдаги сиёсий жарёнлар ва ташқи сиёсатга ислом омили таъсирининг турли жиҳатлари Х. Абаз, Х. Альбрехт, Ж. Армажани, Ч. Басъуни, Л. Блейдс, Н. Браун, Х. Давуд, М. Данн, Ф. Жержс, П. Кеньон, Д. Маковски, Р. Мейсон, Ж. Равински, А. Хамзави, Н. Шама, Д. Шехата каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

П. Мандавил, Т. Уиттс, Ш. Хамид, П. Эль Шаракави каби олимлар эса Мисрдаги исломнинг ўзгарувчан ички ва ташқи муҳитдаги ўрнини ўрганишган. Н. Браун, М. Резаеи, О. Руа «демократия парадокси» ва Мисрнинг ислом дилеммасини таҳлил қилишган. Middle East Monitor ва Tahrir Institute for Middle East Policy (ТИМЕР) экспертларининг нашрларида Мисрдаги муайян жарёнлар вазиятдан келиб чиқиб таҳлил қилинган. АҚШнинг World Politics Review маркази материалларида «Мусулмон биродарлар» вакиллари билан суҳбатлашиш усулидан фойдаланган ҳолда Мисрдаги исломий радикалларнинг ҳозирги аҳволи

ва истикболлари таҳлил қилинган³.

Иккинчи гуруҳга МДХ мамлакатлари олимларининг материаллари киритилган. Улар орасида В. Ахмадуллин, А. Богуславский, М. Видясова, С. Волков, А. Исаев, Г. Исаев, О. Карпачёва, Н. Комлева, А. Кортуннов, И. Крючков, А. Кузнецов, Р. Ланда, А. Манойло, В. Наумкин, Ж. Петрунина, А. Пойда, Е. Примаков, Д. Примаков, М. Ражбадинов, Л. Сюкияйнен, А. Федорченко, И. Чайко⁴ қаламига мансуб илмий ишларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ушбу олимлар ё ўрганилаётган муаммонинг айрим жиҳатларига, ё Миср ривожланишининг маълум бир даврига оид таҳлилий материалларни тақдим этишган. Россия Яқин Шарқ институти экспертларининг асосан юз бераётган

³ Мазкур олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари тадқиқот ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида акс эттирилган.

⁴ Ахмадуллин В. Анализ интерпретации термина «Ближний Восток» арабоязычными авторами // Армия и общество (Россия). – 2014. – № 4. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-interpretatsii-termina-blizhniy-vostok-araboyazychnymi-avtorami>; Богуславский А. Внешняя политика Исламской Республики Иран на современном этапе // Институт Ближнего Востока. – URL: <http://www.iimes.ru/?p=383>; Видясова М.Ф. Египет: от Насера до наших дней. – М.: Сандра, 2020; Волков С.Н. Итоги конституционного референдума в Египте // ИМЭМО РАН, 17.06.2020. – URL: <https://www.imemo.ru/news/events/text/itogi-konstitutsionnogo-referenduma-v-egipte?ret=527>; Исаев А. Внешняя политика Турции: от идеологии к прагматизму (в поисках геополитической парадигмы) // Международная жизнь, 17.06.2020. – URL: <https://interaffairs.ru/news/show/21163>; Исаев Г. Что такое «Ближний Восток»? // Перспективы. Электронный журнал (Россия), 30.09.2009. http://www.perspektivy.info/book/chto_takoe_blizhniy_vostok_2009-09-30.htm; Карпачева О.В. История исламской оппозиции в Египте. – М., 2013. – 216 с.; Комлева Н.А. Арабская весна как технологический элемент структуры мирового господства // Пространство и время (Россия). – 2013. – № 1. – С. 18–23; Кортуннов А. Россия на Ближнем Востоке: тактические победы и стратегические вызовы // Российский совет по международным делам (Россия), 17.06.2020. – URL: <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/rossiya-na-blizhnem-vostoke-takticheskie-pobedy-i-strategicheskie-vyzovy/>; Крючков И. Внешняя политика Саудовской Аравии на Ближнем Востоке в начале 21 века // Вестник Волгоградского государственного университета. – Серия 4: История. Регионоведение. Международные отношения. – 2017. – Т. 22. – № 3. – С. 142–149; Ланда Р. Политические волнения в арабском мире: видимость и суть // Россия и мусульманский мир. – 2012. – № 2. – С. 154–168; Манойло А.В. Технологии управления политическими конфликтами в революциях на Ближнем Востоке и в Северной Африке // ПОЛИТЭКС (Россия). – 2012. – Т. 8. – № 1. – С. 131–154; Наумкин В. Вместо предисловия: круговорот Арабского пробуждения / Ближний Восток, Арабское пробуждение и Россия: что дальше? Сборник статей / Отв. ред-ры: В.В. Наумкин, В.В. Попов, В.А. Кузнецов / ИВ РАН; Фак-т мировой политики и ИСАА МГУ им. М.В. Ломоносова. – М.: ИВ РАН, 2012. – С. 3–20; Наумкин В. Снизу вверх и обратно // Россия в глобальной политике. – 2011. – № 4. – URL: <https://globalaffairs.ru/articles/snizu-vverh-i-obratno/>; Наумкин В., Кузнецов А. Исламский мир и исламские организации в современной мирополитической системе // Вестник Московского университета. Сер. 12. Политические науки. – 2013. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/islamskiy-mir-i-islamskie-organizatsii-v-sovremennoy-miropoliticheskoy-sisteme-1>; Петрунина Ж. В. Военные реформы Мухаммеда Али как основа реализации планов по созданию независимой арабо-мусульманской империи // Наука и школа (Россия), 17.06.2020. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/voennye-reformy-muhammeda-ali-kak-osnova-realizatsii-planov-po-sozdaniyu-nezavisimoy-arabo-musulmanskoj-imperii>; Пойда А. Исторические детерминанты внешней политики Арабской Республики Египет // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Всеобщая история. – 2018. – № 2. – С. 192–200; Примаков Е. Ближневосточный курс России: исторические этапы // Ближний Восток, Арабское пробуждение и Россия: что дальше? Сб. статей / Отв. ред-ры: В. В. Наумкин, В. В. Попов, В. А. Кузнецов / ИВ РАН; Фак-т мировой политики и ИСАА МГУ им. М.В. Ломоносова. – М.: ИВ РАН, 2012. – С. 21–31; Примаков Д. «Братская» конституция Египта // Российский совет по международным делам (Россия), 11 февраля 2013 г. – URL: <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/bratskaya-konstitutsiya-egipta/>; Ражбадинов М. Ассоциация «Братья-мусульмане» и перспективы политических процессов в современном Египте // Вестник МГИМО Университета. – 2013. – № 1. – С. 42–46; Сюкияйнен Л. Конституционный статус шариата как источника законодательства в арабских странах // Право в современном мире. Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики» (Россия), 15.12.2016. – URL: <https://law-journal.hse.ru/data/2016/12/15/1111613970/syukiyaynen.pdf>; Сюкияйнен Л. Ислам и перспективы развития мусульманского мира // Высшая школа экономики (Россия), 20.09.2006. – URL: <https://www.hse.ru/news/1163603/1136241.html>; Федорченко А. Египет после выборов: необходимость и возможность экономических реформ // МГИМО (У) (Россия), 17.06.2020. – URL: <https://mgimo.ru/about/news/experts/253304/>; Чайко И. Роль вооруженных сил в политической системе Египта // Вестник МГИМО Университета (Россия). – 2013. – № 3. – С. 50–56.

жараёнлар вазиятли таҳлил қилинган нашрларини алоҳида қайд этиш жоиз⁵.

Учинчи гуруҳни ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ташкил этади. Улар орасида Ш. А. Ёвқочевнинг Миср сиёсий тизимига исломнинг таъсири⁶ ва ўрганилаётган мавзунинг бошқа жиҳатлари таҳлил қилинган асарларини алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз⁷. Бироқ олимнинг илмий тадқиқотлари «Араб баҳори»гача бўлган даврни ўз ичига олган бўлиб, уларда кўпроқ Мисрнинг ташқи эмас, балки ички сиёсати кўриб чиқилган.

Маҳаллий олимлар орасида ўрганилаётган мавзунинг у ёки бу жиҳатларини кўриб чиққан Р. Жумаев, К. Азимов, М. Ал-Бухорий, С. Мавлянова, Д. Мадаминава, М. Муҳаммадсидиқов, Ф. Қўйсинова, С. Гафуров, Б. Ғиёсов, Э. Ҳасанов⁸ сингари олимларнинг ишларини ҳам қайд этиш лозим.

Умуман олганда, тадқиқот мавзусининг у ёки бу жиҳатлари ёки даврларини очиб берувчи кўплаб материаллар мавжуд бўлса-да, таҳлиллар Миср Араб Республикаси ташқи сиёсатига ислом омилининг таъсирини ҳар томонлама ўрганувчи тадқиқотлар йўқлигини кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ислом динининг Миср Араб Республикаси ташқи сиёсатидаги ўрни ҳамда ижтимоий-сиёсий вазият ва ташқи сиёсий жараёнларга таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Яқин Шарқ мамлакатлари ташқи сиёсатининг ислом омили билан боғлиқ шаклланишига хос хусусиятларни аниқлаш;

⁵ Билан В. «Братья-мусульмане» и парламентские выборы в Египте // Институт Ближнего Востока, 14 декабря 2010 г. – URL: <http://www.iimes.ru/?p=11819>; Об изменениях в военно-политической обстановке на Ближнем Востоке и в Северной Африке (30 марта – 5 апреля 2020 года) // Институт Ближнего Востока (Россия). <http://www.iimes.ru/?p=68743>; Сапронова М. Новая конституция Египта: конец играм в ислам // Институт Ближнего Востока (Россия), 19.01.2014. – URL: <http://www.iimes.ru/?p=19422>; Чернин В. «Синайский округ Исламского Государства» и Израиль // Институт Ближнего Востока (Россия), 14 января 2018 года. – URL: <http://www.iimes.ru/?p=40662>; и др.

⁶ Ёвқочев Ш.А. Влияние ислама на формирование современной политической системы АРЕ: Автореф. ... д-ра полит. наук. – Т.: Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, 2009. – 46 с.

⁷ Ёвқочев Ш.А. Влияние ислама на формирование современной политической системы АРЕ: Автореф. ... д-ра полит. наук. – Т.: Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, 2009. – 46 с.

⁸ Джумаев Р.З. Конфликтология: Монография. – Т.: ТДШИ, 2018. – 200 б.; Азимов К. Технологии управления хаосом и события в арабском мире // Россия и мусульманский мир. 17.06.2020. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-upravleniya-haosom-i-sobytiya-v-arabskom-mire>; ал-Бухари М., Гафуров С. Арабская Республика Египет: Учеб. пособие / Под ред. акад. Н.Ибрагимова. – Т.: ТашГИВ, 2002. – 110 с.; Гиясов Б., Хасанов Э. Дипломатия Египта. – Т.: ТашГИВ, 2000. – 132 с.; Мавлянова С. Многопартийность – несущая конструкция политического плюрализма в Арабской Республике Египет и Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т.: ТашГИВ, 2004. – 27 с.; Мадаминава Д. Миср Араб Республикасининг Ўрта ер денгизи минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш сиёсати: Сиёсий фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДШИ, 2010. – 33 с.; Муҳаммадсидиқов М.М. Замонавий халқаро муносабатларда Африка давлатлари: сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар. – Т.: Тошкент Ислом университети, 2013. – 268 б.; Қўйсинова Ф. Ислом конференцияси ташкилоти Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциялашувининг омили сифатида: Сиёсий фанлар бўйича фалсафа д-ри (PhD) дис. автореф. – Т.: ТДШИ, 2019. – 43 б.

Яқин Шарқ мамлакатлари ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлаш;

«Араб баҳори»нинг Яқин Шарқдаги минтақавий ташқи сиёсий жараёнларга таъсирини очиб бериш;

Мисрда «Мусулмон биродарлар» радикал-диний ташкилоти ҳокимиятга келганидан кейин ички ва ташқи сиёсатдаги ўзгаришларга баҳо бериш;

Мисрда Абдулфаттоҳ ас-Сиси бошчилигидаги ҳарбий элитанинг ҳокимиятга келиши ҳамда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг қайта шаклланиш жараёнларини кўриб чиқиш;

замонавий Миср ташқи сиёсатининг асослари ва принципларини ислом омили нуқтаи назаридан очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги Миср ташқи сиёсатида ислом омили олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги Миср ташқи сиёсатининг шаклланишига ислом омилининг таъсири ва ривожланиш тенденциялари, сиёсий жараёнларнинг дин омили билан боғлиқлиги каби масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, таркибий-функционал, қиёсий-тарихий, сиёсатшуносликка оид ва бошқа илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Яқин Шарқдаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсир қилаётган конфессиялараро зиддиятлар Қоҳира ташқи сиёсат стратегиясида деструктив ташқи омилларни эҳтиёткорлик билан айланиб ўтиш, минтақавий жараёнларга устуворлик бериш ва Миср атрофида хавфсиз ва барқарор муҳит яратиш тактикасини қўллашга урғу бераётгани далилланган;

мамлакатни «Мусулмон биродарлар» бошқарган даврда иқтисодий инқироз, ижтимоий таранглик тобора кучайганлиги, қарама-қарши тарафлар ўртасидаги доимий ички сиёсий курашлар вазиятни издан чиқарганлиги, радикал ислом тарафдорларининг ҳокимиятда узоқ тура олмаганлигининг асосий сабаби бўлганлиги очиб берилган;

Мисрнинг сиёсий тараққиётни белгилашда динийликнинг сиёсийлашуви ва ислом омили билан боғлиқ ташқи таъсирларни инобатга олиши зарурати, бошқа давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда диний ва дунёвийлик тамойилларига қатъий амал қилиш ички ва ташқи сиёсатнинг барқарорлигини таъминловчи асосий омил эканлиги кўрсатилган;

Миср давлат бошқаруви тизимида динлараро бағрикенглик тамойилининг устуворлиги мамлакат барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили эканлиги, дин билан боғлиқ давлат ва жамият муносабатларининг самарали тартибга солиниши келажакдаги сиёсий янгилашни имконияти сифатида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатини такомиллаштириш мақсадида МАР тажрибасидан халқаро муносабатларга ислом омилининг таъсирини инобатга олган ҳолда фойдаланиш борасида тавсия ва таклифлар берилган;

Миср Араб Республикасининг ички сиёсий жараёнлари ва ташқи сиёсатида ислом омили намоён бўлишининг асосий шакллари тизимлаштирилган;

можародан кейинги даврда дунёвий-диний мувозанат ва диний бағрикенгликни сақлаб қолиш бўйича Миср раҳбариятининг янгича ёндашувлари очиб берилган;

ислом омилининг ҳозирги Миср ташқи сиёсатига таъсири ва жамиятдаги роли унинг халқаро ва минтақавий муносабатлари мисолида очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материалларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига кирган махсус журналлар ва хорижий илмий конференциялар материалларида эълон қилинганлиги, амалиётда жорий қилингани ва ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* унинг материалларидан сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар, минтақавий-сиёсий жараёнлар, давлат ва дин муносабатлари бўйича дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда, ташқи сиёсатга доир тадқиқотлар ўтказишда фойдали бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* эса тадқиқот материаллари ва хулосаларидан тегишли вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва соҳага оид муассасалар мутахассислари учун таҳлилий материаллар тайёрлашда, ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув курслари ва дастурларида, «Жаҳон сиёсати», «Халқаро муносабатлар», «Шарқ мамлакатларининг халқаро муносабатлари», «Минтақашунослик», «Ўрганилаётган минтақа мамлакатлари ички ва ташқи сиёсати» фанларини ўқитишда ҳамда тегишли йўналишлардаги тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миср ташқи сиёсатида ислом дини омилининг ўрни бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

Яқин Шарқдаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсир қилаётган конфессиялараро зиддиятлар Қоҳира ташқи сиёсат стратегиясида деструктив ташқи омилларни эҳтиёткорлик билан айланиб ўтиш, минтақавий жараёнларга устуворлик бериш ва Миср атрофида хавфсиз ва барқарор муҳит яратиш тактикасини қўллашга урғу бераётгани борасидаги илмий натижалардан Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланган. (Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 3 мартдаги 18/8302-сон маълумотномаси). Натижада, Миср ташқи сиёсатида ислом дини билан боғлиқ илмий ва таҳлилий материаллар, соҳага оид маълумотлар базасининг кенгайтишига хизмат қилган.

Мисрнинг сиёсий тараққиётини белгилашда динийликнинг сиёсийлашуви ва ислом омили билан боғлиқ ташқи таъсирларни инобатга олиши зарурати, бошқа давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда диний ва дунёвийлик тамойилларига қатъий амал қилиш ички ва ташқи сиёсатнинг барқарорлигини таъминловчи асосий омил эканлиги борасидаги тадқиқот натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг жойларда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини янада ошириш ҳамда турли оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларни соғлом ҳаёт тарзига қайтаришга қаратилган ишларида ҳам фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин

ишлари бўйича кўмитанинг 2021 йил 9 мартдаги 02-03/1488-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалар диний-ижтимоий жараёнларни ўрганишнинг ахборот-таҳлил базасининг такомиллашишига, мазкур соҳада олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигининг ошишига, динлараро бағрикенглик мухтининг шаклланишига хизмат қилган.

Мамлакатни «Мусулмон биродарлар» ташкилоти бошқарган даврда иқтисодий инқироз, ижтимоий таранглик тобора кучайганлиги, қарама-қарши тарафлар ўртасидаги доимий ички сиёсий курашлар вазиятни издан чиқарганлиги, радикал ислом тарафдорларининг ҳокимиятда узоқ тура олмаганлигининг асосий сабаби бўлганлиги борасидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида ахборот-таҳлилий материаллар ва ҳисоботлар тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2021 йил 9 мартдаги 05-5/219-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур соҳадаги ахборот-таҳлилий маълумотларнинг кенгайишига хизмат қилган ҳамда турли ёт ғояларга қарши курашишнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари етгита халқаро ва учта республика даражасидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилиниб, маъқулланган. 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Улуғбек» номидаги Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўтказилган Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган иқтидорли талабалар, докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар орасида ўтказилган анъанавий «Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари» танловида «2021 йилнинг энг яхши мақоласи» сифатида ғолиб деб топилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шу жумладан битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола (улардан 10 таси республика даражасидаги, 4 таси хорижий журналларда, 1 таси Scopus базасида индексланган хорижий журналда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 176 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий тадқиқот усуллари, илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мусулмон мамлакатлари ташқи сиёсатини ўрганишга назарий-методологик ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида ислом дунёси мамлакатлари ташқи сиёсатини сиёсий таҳлил қилишнинг ўзига хослиги ва Яқин Шарқ давлатлари ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг «*Мусулмон мамлакатлари ташқи сиёсатини сиёсий таҳлил қилиш хусусиятлари*» деб номланган биринчи параграфда диний ва дунёвий жараёнларни ажратишнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги қоида, ислом оламининг ўзига хослиги очиб берилди, бу эса, айтилган вақтда, ислом дини ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлигидан далолат беради. Ислом омилининг сиёсатга таъсири мусулмон мамлакатларидаги сиёсий жараёнларга хос хусусиятдир. Мусулмон мамлакатлар ўзини минтақада ва жаҳонда дин орқали намоён этади. Шу билан бирга, ислом динининг таъсири барча мамлакатларда бир текис намоён бўлмайди, бу эса у ёки бу мамлакатнинг тарихий ўтмиши, сиёсий тизими ва раҳбариятининг сиёсий йўлига боғлиқ.

«Араб баҳори»дан сўнг исломнинг «юмшоқ кучи» янгича геосиёсатнинг янада муҳимроқ қисмига айланди, мусулмон мамлакатлари ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун диний мулоқотни шакллантириш ва диний билимларни назорат қилишга интилоқда. Давлатларнинг исломда «мўътадил» йўналишга эргашувчи сифатида кўринишга уриниши борган сари каттароқ аҳамият касб этмоқда. Исломизмнинг турли «мўътадил» кўринишлари кўпайиб бораётгани ҳамда минтақавий-сиёсий жараёнларга туртки берган ҳолда, бир-бири билан зиддиятга киришаётганини ташқи сиёсатда исломдан фойдаланишнинг янгича принципи деб аташ мумкин.

«*Яқин Шарқ мамлакатлари ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари*» номли иккинчи параграфда Яқин Шарқ минтақасининг бирлиги ҳамда хавфсизлик ягона минтақавий мажмуани ташкил қилиши таъкидланган. Яқин Шарқда минтақавий жараёнларда устунлик қилишга даъвогар бўлган бир қанча куч марказлари жойлашган. Булар орасида Саудия Арабистони, Эрон, Туркия ва Исроилни ажратиш мумкин. Шунингдек, минтақанинг етакчи давлатлари билан бир қаторда, бу ердаги кучлар мувозанатини шакллантирувчи учта ташқи буюк давлатлар – АҚШ, Хитой ва Россия – ҳам алоҳида ажралиб туради. Қолган давлатлар ушбу куч марказларининг ҳукмрон манфаатлари ўртасида моҳирона йўл топиш орқалигина нисбий мустақилликни таъминлаган ҳолда уларининг сиёсатига эргашиви мумкин.

Кучлар мувозанати тинчликни сақлаб туришнинг асосий шартидир. Аммо минтақавий жараёнлар беқарорлиги шароитида кучлар мувозанати ниҳоятда тез ўзгарувчан бўлиб, муқаррар равишда ташқи кучлар иштирок этадиган маҳаллий тўқнашувлар билан кечади. Бу мувозанат кўпинча мустаҳкам бўлмайди, чунки ҳар бир давлат табиатан уни ўз фойдасига ўзгартиришга интилади, аммо «Араб баҳори»дан кейин хавфсизликнинг бутун минтақавий мажмуи фундаментал

омилларга дахлдор жараёнларга тортилди. Шу боис, қуролли тўқнашувлар Яқин Шарққа хос хусусиятга айланмоқда.

«Араб баҳори»нинг асосий шартлари ҳамда Яқин Шарқ ва Мағриб учун унинг оқибатлари» деб номланган иккинчи бобда «Араб баҳори» номини олган Яқин Шарқ мамлакатларини сунъий равишда демократлаштиришга қаратилган кенг кўламли уринишлар, уларнинг муваффақиятсизлика учраши, шундан сўнг юз берган Мисрдаги «Мусулмон биродарлар» бошқарув даври ўрганиб чиқилган.

Мазкур бобнинг *«Араб баҳори» – Яқин Шарқда ғарбона намуна бўйича демократлаштиришга уриниш*» номини олган параграфида «Араб баҳори» воқеалари таҳлил қилинган, унинг сабаблари комплекс хусусиятга эгаллиги ҳамда «демократия парадокси» долзарб тус олгани таъкидланган. Ҳукмрон тузумнинг тақдирини ҳал қилишда Қуролли кучларнинг роли кучайиб бораётгани кўрсатилган. Масалан, агар Мисрда армия кўзғолончиларни қўллаб, охиروقибатда Ҳ. Муборакни истеъфога кетишга мажбур қилган бўлса, Сурияда армиянинг ўзаги Б. Асад тартиботига содиқ қолди ва бу унга ҳокимият тепасида қолиш имконини берди. Қуролли кучлар билан бир қаторда радикал исломчиларнинг роли ҳам кескин ошди, Мисрда Ҳ. Муборак ҳокимиятдан четлатилганидан кейин радикал ислом тарафдори бўлган гуруҳлар сиёсий партияларни қонуний равишда шакллантириш ҳуқуқига эга бўлдилар. «Мусулмон биродарлар»дан тортиб радикал салафий гуруҳларгача бўлган кенг доирадаги исломий сиёсий фикрларни ифодаловчи кўплаб партиялар пайдо бўлди.

«Араб баҳори» ўша вақтда Яқин Шарқ ва Мағрибдаги асосий куч бўлган АҚШнинг фаол иштирокида юз берди. Демократияни қўллаб-қувватлаш, жумладан, кенг қамровли демократияга ўтиш талаби АҚШ Президенти Б. Обама томонидан эълон қилинди. У Мисрни минтақа мамлакатлари билан муносабат ўрнатишда асосий давлатлардан бири сифатида тилга олди. АҚШ сиёсатини Европа Иттифоқи ёқлаб чиқди, у МАРдаги демократик ислохотлар жараёнини кенг миқёсда қўллаб-қувватлай бошлади, аммо ўзгаришлар (ислохотлар) суръатининг пастлиги иқтисодий ёрдамни қайта кўриб чиқишга ундади.

«Мусулмон биродарлар» бошқаруви даврида Мисрдаги сиёсий жараёнлар» деб номланган иккинчи параграфда МАРдаги асосий сиёсий куч бўлмиш «Мусулмон биродарлар» ҳаракати қонунийлашган қисқа муддатли давр ҳамда М. Мурсий президент бўлган вақтда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати тадқиқ этилган.

Президентлик сайлови ва М. Мурсийнинг сайланиши мамлакат сиёсий тизимига барқарорлик келтирмади. Унинг ички сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга лаёқатсизлиги, сиёсий тизим ва жамиятни «Мусулмон биродарлар» ташкилоти намунаси асосида исломийлаштиришга уринишлари, мутлақ ваколатларни ўз қўлида жамлаб олганлиги кўча намоёнларининг қайта бошланиши, тўқнашувлар юз бериши ва қурбонлар пайдо бўлишига олиб келди. Булар оқибатида унинг ҳокимияти таназзулга учради.

Ташқи сиёсатда М. Мурсий президентлик қилган даврда асосан муваффақиятсизлик ва муаммолар кўпайиб борди. Унинг сиёсатида «Мусулмон биродарлар»нинг ташкилий манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйиш, жумладан, миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш орқали бунга эришиш аломатлари кузатилди.

«Абдулфаттоҳ ас-Сиси раҳбарлигидаги ҳарбий элитанинг ҳокимият тепасига келиши ва Мисрдаги ислохотчилик сиёсати» деб номланган учинчи параграфда МАР ҳарбий раҳбариятининг М. Мурсий ҳокимияти ағдариб ташланганидан кейин мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари таҳлил қилинган. «Мусулмон биродарлар» раҳбарияти ва фаоллари ҳарбийларнинг дастлабки нишонларидан бирига айланди. Армия раҳбарияти «барқарорлик» ва «террорчиликка қарши кураш» баҳонаси билан амалда ғалаёнчиларни жазолади ва қатъий ҳарбий бошқарув ўрнатди. Президентининг роли ва Қуролли кучлар билан иттифоқчилик қилиш мажбурияти Мисрнинг ҳозирги сиёсатидаги ўзига хосликларни шакллантирувчи энг муҳим конституциявий қоидаларга айланди. Қуролли кучлар конституциявий мақом ва ваколатларга эга бўлди.

Ташқи сиёсатда Абдулфаттоҳ ас-Сиси ҳукумати инқилоб давридан мерос бўлиб қолган бир талай муаммоларни ҳал қилди. Энг аввало, армия раҳбарияти М. Мурсий сўз юритган Сурияга ҳарбий хужум қилиш сиёсатига қарши чиқди, Саудия Арабистони билан Эрон ўртасидаги қарама-қаршилик шароитида муносабатларнинг ривожланиш чегарасини белгилаган ҳолда, Миср ва Эрон ўртасидаги ҳаво йўлини ёпди ҳамда М. Мурсий Малидаги радикал исломчиларга қарши ҳарбий амалиётни қўллашга қарши чиққанидан сўнг қўлидан кетган Африка Иттифоқидаги мавқеини тиклаб, Африкадаги аввалги сиёсатига қайтди.

Абдулфаттоҳ ас-Сиси Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари билан муносабатларини «Мусулмон биродарлар»га яқин исломий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ёки уларга муҳолиф бўлиш принципи бўйича йўлга қўймоқда. Натижада Миср М. Мурсий ҳукуматининг энг яқин иттифоқчилари бўлган Туркия ва Қатар билан алоқаларини деярли тўхтатди ҳамда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қувайт билан ҳар томонлама уйғун муносабатларни ривожлантирмоқда.

«МАРнинг 2012 йилгача ва ундан кейинги ташқи сиёсатида ислом омилининг ўрни» деб номланган учинчи бобда президентлар Ҳусни Муборак ва Абдулфаттоҳ ас-Сиси ташқи сиёсатида ислом омилининг ўрни ўрганилган.

Мазкур бобнинг *«Ислом омили нуқтаи назаридан Ҳусни Муборакнинг ташқи сиёсати»* деб номланган биринчи параграфида давлатнинг аввалги раҳбари А. Саодат халқаро даражада исломий ҳамкорлик билан бевосита боғлиқ ташқи сиёсий ҳаракатлари учун радикал исломчилар томонидан ўлдирилганидан кейин Ҳусни Муборакка мерос қолган ички ва ташқи сиёсий вазият кўриб чиқилган. Ҳ. Муборакнинг ташқи сиёсати у юритган ички сиёсатнинг давоми эди. У ислом муҳолафатини заифлаштириш учун қатағонни кенг қўллаш билан бир вақтда исломий радикаллар орасидан тарафдорларни жалб қилишга интилди, шу билан бирга Миср исломий мамлакат эканлигини кўрсатишга ва исломчи муҳолафатдан ташаббусни тортиб олишга мўлжалланган исломий давлатни илгари суриш сиёсатини юритишга уринди.

Араб ва ислом оламида Мисрнинг мавқеини тиклаган Ҳ. Муборак сиёсий бошқарувининг сўнгги ўн йиллигида Фаластин-Исроил можаросига муносабатда бир қатор муваффақиятсиз ҳаракатлари сабабли яна танқидга учради. Бу эса мамлакат ичида муҳолафатни янада кенгайтириб, Ҳ. Муборак ўз бошқарувининг сўнгги босқичида ҳал қилишга уринган дилемма – машҳур «демократия

парадокси» – сифатида намоён бўлди, яъни демократлаштириш жараёнларининг бошланиши радикал ислом вакилларининг кучайишига олиб келди.

Халқаро террорчиликка қарши кураш Хусни Муборак даврида юритилган ташқи сиёсатнинг ислом омили намоён бўлган яна бир йўналишидир. МАР учун ушбу муаммо 1990-йилларга келиб кескинлашди. Радикал исломга қарши кураш 2001 йилда АҚШда юз берган террорчилик ҳаракатлари ва «Террорчиликка қарши глобал уруш» эълон қилинганидан кейин янги босқичга чиқди. МАР ана шу урушнинг иштирокчисига айланди. Бу даврда «Ал-Қоида» Мисрда «глобал жиход» йўналишларидан бири сифатида қараган. МАР ҳукуматининг ҳаракатлари ва ушбу мамлакатга қарши террорчилик чиқишлари илгари номаълум бўлган ҳамда у ёки бу тарзда «Ал-Қоида» ва «глобал жиход» билан айнанлаштириладиган гуруҳларни кўрсатиб берди.

«*Замонавий Миср ташқи сиёсатининг асослари ва принциплари (2013–2020)*» деб номланган иккинчи параграфда Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси давридаги МАР ташқи сиёсатини белгиловчи омиллар, унинг асослари, принциплари ва устувор йўналишлари кўриб чиқилган. Ўз геосиёсати ва оммавий дипломатия соҳасидаги маданий-тарихий меросига таянадиган Миср жаҳонда ўзига хос ўрни ва роли борлигини баён этмоқда. Ислом омили, давлатнинг географик жойлашуви, унинг тарихидаги ўзига хосликлар, мустамлакада кечган ўтмиш ҳамда АҚШ, СССР/Россия, Буюк Британия ва Франция сингари давлатлар билан ўзаро муносабатлари, Сувайш каналининг мавжудлиги ҳамда Нил дарёси сув захираларини тақсимлаш муаммоси унинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларни белгилаб берадиган ўзига хос жиҳатлардир. Миср ташқи сиёсатининг асосий принциплари кўплаб давлатларга хос қоидаларнинг анъанавий мажмуидан иборат бўлиб, геосиёсий вазияти ва ривожланишига хос хусусиятлари билангина ажралиб туради.

Миср Араб Республикасининг геосиёсий хусусиятлари, ўзига хослиги ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш вазифалари унинг турли «доиралар»даги миллий манфаатлари бўлиши зарурлигини белгилаб беради. Масалан, Мисрнинг «Араб мамлакатлари доираси»даги манфаатлари миллий хавфсизликни араб давлатлари ва Африка атрофидаги хавфсизликка асосланган ҳолда янада кенгрок тушунишни қамраб олади. Унинг «Африка доираси»даги манфаатлари минтақа мамлакатлари, айниқса МАР учун стратегик аҳамиятга эга бўлган Нил ҳавзаси давлатлари билан ўз муносабатларини иқтисодий ва маданий соҳаларда мустаҳкамлашга интилишида намоён бўлмоқда. «Ислом мамлакатлари доираси»даги манфаатлар Миср учун ислом дунёси муаммоларини излаб топиш ва уларнинг ечимини топиш, ислом динидаги мўътадиллик ва бағрикенглик кадриятларини ёйиш ҳамда динлараро мулоқотни рағбатлантиришни англатади. «Осиё доираси»даги манфаатлар бошланаётган «Осиё асри»нинг бир қисмига айланиш учун Осиёнинг етакчи мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашни ўз ичига олади. «Европа доираси»даги манфаатлар Европа Иттифоқи билан муносабатларга тааллуқлидир. Мисрнинг жаҳондаги етакчи давлатлар билан муносабатлари «Халқаро доира»даги манфаатлар йўлида шакллантирилмоқда.

«*Ҳозирги Мисрнинг ташқи ва ички сиёсатида диний омилнинг роли ва ўрни*» деб номланган учинчи параграфда сиёсий жараёнларда ислом омили намоён

бўлишининг кенг ва хилма-хил қирралари тадқиқ этилган. Ислонинг таъсири VII асрдан бошлаб Миср жамияти ва давлатининг ривожланишидаги тарихий йўл, сўнгра XIX асрдан бошлаб эса модернизациялашга интилишлар оқибатидир. Армия ва давлат бошқаруви тизими ҳамда ислоний радикаллар ўзаро таъсирининг ҳозирги жараёни мамлакат ички сиёсий тизимининг дунёвий ва диний жиҳатлари ўртасида ҳал бўлмаётган зиддият мавжудлигининг ўзига хос далолатидир.

Президент Абдулфаттоҳ ас-Сисининг ҳар қандай мухолафат ёки мустақил тузилмаларни бостириш борасидаги сиёсати, бир томондан, ҳукмрон тартиботнинг жипслашувига имкон яратаётган бўлса, бошқа томондан, ислоний радикалларга қарама-қарши тарзда дунёвий сиёсий кучларнинг имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Мисрнинг тарихидан кўриниб турганидек, ислоний мухолафатни қонуний сиёсий жараёнлардан чиқариб ташлаш билан муаммо ҳал бўлмайди, балки унинг шакли ўзгаради, холос. Узоқ муддатли истиқболда бу ҳукмрон тартиботнинг барқарорлигига ва ислончиларга қарши кураш салоҳиятига салбий таъсир этиши мумкин. Бу, хусусан, ташқи сиёсат бобидаги йирик муваффақиятсизликларда, масалан, Ливияга нисбатан амалга оширилиши керак бўлган интервенция муваффақиятсизликка учраган ҳолда, ёхуд давлатнинг мамлакат ичида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича норасмий мажбуриятлари бажарилмай қолганида кузатилган. Бу эса ҳукмрон доираларни мамлакат ичида ён босишга мажбурлаши ва ривожланишнинг янги «нуқсонли доираси» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Мисрда давлат ва ислоний мухолафат муносабатида юзага келган вазият боши берк кўчага кириб қолганки, ундан чиқиб кетиш йўли ҳозирча кўринмаяпти.

Миср Араб Республикаси ташқи сиёсатида ислон омили ушбу омилнинг ички сиёсий жараёнлардаги ифодасининг давоми бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Синай ярим оролидаги террорчиликка қарши кураш ва «Мусулмон биродарлар»га қарши адоват Ғазо секторида ХАМАС ҳаракати билан ҳамкорликка айланмоқда ва янада кенгроқ олинса, Фаластин масаласи ҳамда Исроил давлати билан муносабатларга дахл қилмоқда. Саудия Арабистони ва БАА билан иттифоқ тузиш, Туркия ва Қатарга қарши адоват, Эрон билан муносабатлардаги кескинлик, Ливиядаги можарога тортилганлик ҳам айнан шу омил билан боғлиқ.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот қуйидаги хулосаларни шакллантиришга имкон беради:

1. Ислон омили милодий VII асрда Араб халифалиги қўшинлари Мисрни ислонлаштира бошлаган даврдан бошлаб ушбу мамлакатнинг ички сиёсий жараёнлари ва ташқи сиёсатини белгиловчи асосий жиҳат бўлган ва шундайлигича қолмоқда. Асрлар давомида ушбу омил Миср сиёсатининг ўзига хос жиҳати бўлиб келди. Тарихий меросга ва сиёсий тизим хусусиятларига боғлиқ ҳолда ислон омилнинг турли давлатлардаги таъсири ҳар хил намоён бўлади, бироқ у барча ҳолатларда мусулмон мамлакатларининг ташқи сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатади.

